

Набий алайҳиссаломга салавот айтинг!



15:44 / 05.12.2018 3041

Яқинда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган ойлари муносабати билан “muslimaat.uz” аёл-қизлар сайти ходималари томонидан “Набийга салавот айтинг!” номли мавлид тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг завжалари, Имоил Муҳаммад Юсуф ва Одинахон Муҳаммад Содиқнинг оналари Фотимахон ая Исмоил Махдум қизлари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси аёллар билан ишлаш бўлими ходималари, Тошкент Ислом институти, «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус Ислом билим юрти мударрислари, шунингдек, “muslimaat.uz” аёл-қизлар сайти ходималарининг яқинлари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Мавлид тадбири, анъанага кўра, Қуръон тиловати билан очилди.

Сўнгра сайт ходимлари ижросида Имом Жаъфар Барзанжийнинг мавлид асарларидан намуналар ҳам араб тилида, ҳам ўзбек тилида тингланди.

Кейин эса болалар қалбига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларини қандай экиш ҳақида ҳикоя қилувчи видео-ролик йиғилганларга тақдим этилди.

Меҳмонлар билан уюштирилган саодат асрига оид воқеликларни ифодаловчи савол-жавоблар, табиийки, ҳаммани янада жонлантирди ҳамда билимлар даражаси ошишига ҳисса қўшди.

Сўнг Одинахон Муҳаммад Содик қаламига мансуб “Табассум” номли дил кечинмаларига ишланган видео-ролик яна бир бор томошабинларга бу ажиб суннатнинг нақадар қадри улуғлигини билдирди.

Мавлид ойи муносабати билан “Facebook” ижтимоий тармоғининг “Bintu Sodiq” саҳифаси ва телеграм каналларида ҳамда “muslimaat.uz” сайти, муслималар форумида ўтказилган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш учун сўз навбати масъуллар Фиёсиддин Муҳаммад Юсуф ҳамда Оишахон Хусановаларга берилди. Совғаларни ғолибаларга Фотимахон ая Исмоил Махдум қизлари топширдилар.

Кейин даврага “muslimaat.uz” сайти раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик таклиф қилинди. Олиманинг дил сўзлари барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир барча иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.